

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

О, ТЕАТР! ҲАЁТДАН ГЎЗАЛ ҲАЁТСАН!

Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетақрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршундес ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маъlum.

Истом **КАРИМОВ**



Театрда қўйилган спектакллардан сахна кўрунишлари.

Ёдимда, Академик драма театри-мизнинг "Алишер Навоий", "Отелло", "Ҳамлет", "Шоҳ Эдип", "Шошма кўёш", "Ғариблар", "Қиёмат қарз", "Юрак сирлари", "Сарвқомат дилбарим" каби яна ўнлаб спектакллари-ни томошабинлар қайта-қайта келиб кўришарди. Томоша зали доимо тир-банд эди. Мен ҳам бир умр ушбу те-атрнинг ашаддий мухлисима ва жуда кўп спектакллари уч-тўрт мар-тадан томоша қилганман. Фақат завқ-шавқ олганим учун эмас, ҳаёт ҳақида чуқурроқ мушоҳада юритиш-ни ва инсоний фазилатлар сабоғи-ни ўрганганим, онг-шууриим чирғ-ёққандек ёришгани ва айниқса санъ-аткорларнинг ижросига қойил қолган-им учун ҳам ушбу отахон театр ос-тонасини ҳаммавақт қутлуғ санаб келаман.

Театр республикадагина эмас, чет элларда ҳам доврўг таратган. Не-не машҳур санъаткорлар, режиссёру мунаққидлар Тошкентга ташриф бу-юришиб, бу ерда Шекспир асарла-ри ижросини томоша қилишган ва ўзбек артистларининг маҳоратига, ноёб истеъдодига юксак баҳо берган-лар. Тахсинлар ёзиб қолдирганлар... Қаранг-ки, Президентимиз И. А. Ка-

римов ушбу номдор, табаррук театр би-носини янгилаш ташаббусини илгари сурди. Ва бу борада ёрдамни, фикр-ларини аямади. Қисқа вақт ичида теат-рнинг шаъни-шавкатига, босиб ўтган шонли йўлига муносиб, замонавий ко-шона қад ростлади.

Авалло театрнинг ташки кўриниши нақадар салобатли, олд қисмидаги ма-ҳобатли устунлар бинони кўркига кўрк қўшиб, ушбу театр бешигини тебратиб, уни дунёга танитиб кетган забардаст ус-тозларни эслатади гўё. Ёғоч ўймакор-лиги намуналарини ўзида жо этган на-қшли эшиклар, нафис ганч билан зий-натланган чиройли деворлар, пештоқ-лар, кенг, ёруғ зал, фоелар, оппоқ мар-марли сахна ва пурвиқор зиналар, кўёш нурулари акс этган куббасимон шифт-лар, юмшоқ, хузурбахш мебеллар... Ҳам-маси нақадар юксак дид ва сахийлик билан барпо этилган.

Истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида ушбу мухташам кошонанинг тақдирот маросими бўлгани ва унда давлатимиз раҳбарининг иштироки барча санъат-корларга мухлислар учун кўшалок бай-рамга айланди.

Президентимиз Ўзбекистон раҳбари сифатида жуда кўп мамлакатларнинг мухташам саройларида, кўзни қамаш-

тирадиган қасрларида бўлгани, лекин бунчалик ҳаяжонланмагани ҳақида сўзлаб, бу унутилмас ҳаяжоннинг бои-си ушбу академик театр сахнасида Ман-нон Уйғур, Етим Бобононов, Аброр Ҳидо-ятов, Шуқур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Тош-хўжа Ҳўжаев, Александр Гинзбург, Фани Аъзамов каби санъат намоёндаларининг қутлуғ излари қолгани, овозлари ян-гарагани ва ўлмас рухлари ҳамон барҳа-ёт эканлигидадир, деди.

- Бугун мана шу нафосат саройида, - деб давом этди сўзини давлатимиз раҳ-бари, - сиз азизлар билан бир таклиф ҳақида маслаҳат қилмоқчиман. Миллий рух ва замонавий киффада қайта тиклан-ган ушбу театримизни "Ўзбекистон Мил-лий Академик драма театри", деб ата-сак, нима дейсизлар? - деган таклифи қизгин олқишлар билан маъқулланди.

- Биз бундай юксак ғимматдан, эҳти-ромдан рухланиб, янада масъулият би-лан ижод қиламиз, - дейди театр ди-ректори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, - миллий истиқлол ғоялари руҳидаги бадий баркамол асарлар яра-тишга бутун куч-ғайратимизни баҳши-

да этамиз!

Ҳа, янги бинода театрнинг янги мавсуми бошланиб кетди. Улуғ ус-тозларнинг ўлмас анъаналарини да-вом эттираётган Ўзбекистон халқ ар-тистлари Зикир Муҳаммаджонов, Теша Мўминов, Турғун Азизов, Эр-кин Комилов, Саидкомил Умаров, Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Яйра Абдуллаева, Гулчехра Жами-лова каби таниқли санъаткорлар билан бир сафда ўнлаб истеъдод-ли ёшлар халқимиз дидига мос янги-янги спектакллари намойиш этишга киришдилар.

Мен ўзим масалан, театрнинг "Қор одам", "Бир қошона сир", "Фаришта ва шайтон" спектакллари чуқур ҳаяжон билан томоша қилдим ва ҳавас, гурур билан кузатганим бу ёрқин ко-шонани, бу ердаги сирли, сеҳрли ҳаётни ҳар куни соғиниб яшайман.

Илоҳим, бу гўзал қошона санъати-мизнинг янада гуллашига, томоша-бинлар қалбини бойитишга хизмат қилаверсин, Президентимиз айтган-ларидек, буюрсин халқимизга!

О, театр! Ҳаётдан гўзал ҳаётсан!

Санъат МАХМУДОВА

20 ноябр — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган кун

1989 йил 20 ноябр БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенция вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ирки ва миллатидан қатъий назар барча болалар тенглигини таъминлаш, уларни бирон тарзда камситилишларига йўл қўймасликни кўзда тутди.

Ушбу Конвенцияга қўшилган мустақил Ўзбекистонда ҳам бола ҳуқуқлари ҳимояланиши учун лозим бўлган барча ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу Конвенция моддалари асосий қомусимиз бўлган Конституция моддаларига ҳам мутаносибдир.

Масалан, Ўзбекистон Конституцияси-

лари таъкидланган.

Болаларимизнинг ҳуқуқлари Оила кодексига ҳам ҳимояланган. Масалан, 67-моддада: "Бола ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳимоя ота-оналар ёрдамида амалга оширилади. Кодексда кўрсатилган баъзи ҳолларда вазийлик органлари, прокурор ва суд томонидан ҳимоя қилинади", - дейилган. Болаларнинг тарбияси, яшаш шароити ҳамда ота-оналар билан бирга ёки алоҳида истиқомат қилиш тартиблари

лик кўрсатаётганлиги қувончлидир.

Болалар жамғармаси бошчилигида Андижон ва Марғилон шаҳарларида ижтимоий ҳимоя Маркази ташкил этилиб, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган болалар, ногирон болалар, ёлғиз аёллар учун қўшимча иш яратилди. Марказда пояфзал, нон дўкони, електроаппаратларни таъмирлаш ўстахонаси, тикувчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда, ёш болалар оилаларга мини-боғчалар очилиб, овқат кунда бир марта бепул овқатланиш имкониятига эга.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 28-моддасида бола илм олиш



БОЛА КУЛСА — ДУНЁ КУЛАДИ

нинг 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, 27-моддада — ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашивдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда ҳам ҳар бир бола шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, унинг шаъни ва обрўси ҳимоя қилиниши лозимлиги таъкидланган.

Конституциянинг 26-моддасида: "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас", - дея белгиланган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 33—37-бандларида иштирокчи давлатлар болаларни наркотик моддалар истеъмол қилиш ҳамда уни ишлаб чиқариш ва савдо қилишда қатнашишдан ҳимоя қилиш учун барча чорани кўриш-

ва оқибатлари Оила кодексининг 65—89-моддаларида алоҳида кўрсатилган. Болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш йўлида Ўзбекистон Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ, "Болаларни қутқаринг" фонди (Буюк Британия), "Каунтерпарт Интернейшнл", "Ворлд Кончерн", "ПЭР-РЦА", "Мерси прожект" каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон Болалар жамғармаси "Буни сен билишинг керак" мавзусига оид: "Қийин суҳбат", "Хавфли кайф", "Мен ифбатни танлайман" деб номланган буклетларни ишлаб чиқди ва ЮНИСЕФ ёрдамида нашр этди. Бу мавзулар бўйича жамғарманинг барча фаоллари республикамиз ёшлари ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Болалар жамғармаси "Меҳр гўшаси" ва "Оилавий болалар уйлари" дастурлари асосида ногирон, кам даромадли оилаларга кўмаклашиб, қариндош-уруғлар қўлида тарбияланаётган етим болаларга хайрихо-

ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Бу борада ҳам юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. 1998 йилдан бошлаб биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари бепул тарқатилди. Оиласи ночор ўқувчилар қишки уст-бош билан таъминланмоқдалар.

Айни вақтда республикамиз маҳалларида ёшлар билан ишлаш Комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу Комиссия ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради, уларни ишга жойлаштиришга ёрдам беради, ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Хуллас, юртимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куйидан юқоригача барча босқичларда ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий соҳада амалга оширилмоқда. "Ҳамма нарса болалар учун", деган ибора бу кун қуруқ шior бўлмай, балки амалиётга айланди. Зеро бола кулса — жамон кулади.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ



Яқинда Республика халқ амалий санъати музейида рассом Гулнора Раҳмонованинг "Ойга борар йўл" номи ранг-тасвир асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан унинг кейинги йилларда яратган портрет ва пейзажлари жой олган. Рассом ўз асарларида асосан Ўзбекистоннинг гўзал табии-атини, донишманд, сахий, самимий юрдошлар чеҳрасини акс эттиришга ҳаракат қилади.

Гулнора тасвирий санъат билан бирга адабий ижод билан ҳам шуғулланади. Шеърлар, ҳикоялар ёзади. У ажойиб бир оиланинг бекаси, икки фарзанднинг онаси ҳам.



"ОЙГА БОРАР ЙЎЛ"

Кўргазмани томоша қилаётиб, Гулнора Раҳмоновани суҳбатга тортдик.

- Ижод қалб эҳтиёжи, - дейди ижодкор. - Тинимсиз меҳнат, ҳаёлот дунёсини рангларга кўчириш, табиат ва инсон гўзаллигини, оғзаки эмас, бирор асар орқали ифода этиш рассомни ҳам шахс, ҳам ижодкор сифатида шакллантиради. Яратиш ва фақат яратиш орқалигина ижод қилишга маънавий ҳуқуқинг борлигини исбот этасан киши.

- Сиз расмлар чизасиз,

шеър у ҳикоялар ёзасиз. Икки фарзанднинг онасисиз. Оила бекасисиз. Ҳаммасига қандай улғурасмиз?

- Агар мен мана бу картиналардаги гўзал дашту-далларим, дарёларим тасвирини ишлагач, уйга келиб оёқ-қўли чаққонгина бекага айланаман, десам, ёлғон бўлади. Ўғлим Ойбек 14 да, қизим Ойзода 9 ёшда. Ҳозир иккаласи ҳам ёрдамчи бўлиб қолишган. Дада-си ҳам уй ишларига қараташиб кетаверадилар.

- Келажакда режала-рингиз?

- Албатта ижод қилиш, изланиш. Тасвирий санъатда ўз сўзимни айтиш. Мана кўргазмамага қўйилган асарлар билан танишдингиз. Айтилган фикрлардан хулосалар яшаш, янги услубларда ўз имкониятларимни синаб кўриш ва худо хоҳласа, яна янги кўргазмалар билан мухлисларим имтиҳонидан ўтиш...

Бу қисқа суҳбатимиз сўнггида Гулнора Раҳмонова қуйидаги тўртликни қўлимга тутқазди:



Менинг қалбим ой сингари доғ,
Менинг кўнглим ой каби ярим.
Бўлса ҳамки, ўртамин йирок,
Бордир бир кун ойга борарим...

Гўзал қалбли, истеъдодли ўзбек қизи — Гулнора Раҳмоновага ижоддаги йўли — ойга борар йўли ойдин бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Лола АҲМЕДОВА
Суратларда рассом ижодидан намуналар.

МАЪНАВИЙ СОҒЛОМ БЎЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ижтимоий мажмуаларининг Республика ижтимоий-маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, аёллар ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий йўналишдаги ишларни тақомиллаштириш масаласига бағишланган кенгайтирилган мажлиси ўтказилди.

Мажлисида хотин-қизлар ва ёшларни маънавий-маърифий йўналишда, соғлом эътиқод ғоялари асосида тарбиялашни қучайтириш масалалари, шунингдек, уларни иш билан таъминлаш, турли экстремистик оқимлар таъсиридан асраш каби муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Айниқса, ўзбек оилаларидаги хотин-қизларни Ислом дини никоҳи остида йўлдан ўриш, уларни қалқон сифатида диний экстремизм домига тортиш, эркак зотиға мутлақо ярашмай-диган ҳамда муслмончиликка зид ҳодиса эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат Маслаҳатчиси З. Хусниддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этишди.

Ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришга бағишланган ушбу мажлисни Республика Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фулмова бошқарди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

АХБОРОТ

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Кеча Республика ўқувчилар саройида "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"нинг 12 йиллигига бағишланган "Замонавий дунё болалар нигоҳида" мавзусидаги ёш ижодкорлар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кўргазманинг очилиш маросимида Республика Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фулмова иштирок этди.

Болалар расмлари кўрик-танловидида "Бу гўзал Ватан барчамизники" мавзусида ўйин мусобақаси ўтказилди ҳамда "Томоша" болалар студиясининг байрам дастури намойиш этилди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12 йиллигига бағишланган байрам дастурлари республикамизнинг барча бурчаларда бир ҳафта давом этиб, унда болалар мазза қилиб дам олиб, маданий ҳордиқ чикарадилар.

ЗИЁДА

**ТАБАРРУК
УЗУК**

Ўғлимизнинг никоҳ тўйи арафасида келинга деб ясаттирган никоҳ узугини биринчи бўлиб кўрсатгани қайнона ойимларга олиб бордим. Кўз ойнақларини тақиб, қўлларига олиб узук томоша қилдилар. Чимчалоқ бармоқларига тақиб кунга солиб кўрдилар. Маъкул кўриб дуо қилдилар. Кейин бармоқларидаги ўзларининг никоҳ узукларини олиб менга узатдилар:

- Ясатган узугингиз жуда чиройли чиқибди. Уни шу кунлар шукри деб ўзингиз тақинг. Мана бу узукни эса ман ва додангиздан табаррук совға деб Нодирахоннинг қайлигига мана шунақа чиройли қилиб ясаттириб беринг. Набираларим ҳам бизга ўшаб ярим асрдан ортиқ бирга Тоҳиру Зухролар муҳаббати билан яшашсин! - дедилар.

Бўртган бармоқларидан кўп йиллар ечимай юрган никоҳ узугидан қолган қабарик изга тикилганмича эътироз билдирмоқчи бўлдим. Ойим бошқа сўзга ўрин қолдирмай шундай дедилар:

- Биламан, қайнингизни уйлантираётганимизда бўлажак овсинингизга аталган узукка қўшиб менга деб олган эдингиз бунди. Сизларнинг илтимосингиз билан дадангиз қўлимга солган эдилар. Ўша дамда нима деганлари ҳам эсимда: "Бир вақтлар қўлингизга узук тоқолмадим деб кўнглим синиқ эди. Мана қара, энди болаларимиз армонларимизни тўлдирисаяпти. Табаррук қилиб тақиб юр. Қўлингдан ечма. Худо хоҳласа сен ҳам набираларинг тўйида бойвучча буви бўлиб, набира келин-

Оналарим — Моҳларим



нинг қўлига тақиб қўй!" Бу кунларни кўриш дадангизга насиб этмади. Набиралари бахтини Аллоҳ баракали қилсин!

Узукларни олдим. Ойим айтмоқчи яхши ният қилиб бирини бармоғимга тақдим. Иккинчисини шу табаррук узук эгасига ўшаб узук ва бахтли ҳаёт кечирिशларини, бува ва бувиларининг дуоларига муносиб бўлишларини тилай-тилай келинга дея олиб қўйдим.

Билмадим нечанчи марта авлодларнинг илоҳий боғлиқлиги-ю, бир-бирларига садоқати ҳақида ўйлаб кетдим.

**«ҚАЛАМ КЕТМОНДАН
ОФИР!»**

Эсимни танибманки, ойимларга ўхшашни орзу қиламан. Табиатан кўза кўтариб юрадиган, балинд-пастга мослашган тоғ аёлларига хос балинд адл ва сал дуркун қоматларини, енгил ва назокатли юришларини кўз ўнгимга келтирганимда, болалигимдан таниш бир алам дилимни тирнаб ўтади: "Мен шундай назокатли аёлнинг қизиман-у, бироқ у кишидек бўлолмасам керак!" Шундай дейман-у, бироқ у кишининг бир умр ҳаётдагина эмас, ижодда ҳам ёнма-ён келаётганларини ҳис қиламан.

Киз ўшар онага дейишар халқда, Гоҳида қалбимни ўраб ҳаяжон. Сенга тикиламан ўйлаб шу ҳақда, Кошкийди ўхшасам сенга, онажон! Баҳслаша олмайман чиройда сен-ла, Гўзал киз бўлишлик мақсадим эмас. Инсонни сен каби севолганимда, Дилимни дилингга ўхшатсалар бас. "Қалам кетмондан офир!"

Афоризмдай лўнда бу гапни биринчи марта ойимлардан эшитгандим. Уни биринчи шёғрим босилиб чиққанда айтгандилар. Ҳали ёшим етиб, паспорт олмаганим учун, ўшанда қалам ҳақини почитадан ойим билан бирга олганмиз. Газетада босилган шёғрга пул беришлигини, унинг "гонорар", яъни қалам ҳақи деб аталишини ойим ҳам, мен ҳам билмасдик. "Ўзингнми ўзингга бўлсин", дегандилар ойим. Тўқимачилар шаҳарчасининг бозорчасидаги дўкандан янги чиққан мато штапельдан фартулик олиб бергандилар. Яна укаларимга тешик кулча олганимиз ҳам эсимда. Менга шундай туюлдики ёки аслида ҳам шундаймиди, билмадим-у, лекин назаримда ўша кундан эътиборан ойим менда ўз қизларидан ортиқ қил кимсани кўраётганларини ҳис қилардим!

"Қалам кетмондан офир!" Бўрон ёши осуда ўтган, ўн саккизда шёғр битмаган онам айтгандилар бу сўзни, айтиш эмас, ўзлари ҳам сезмаганлари ҳолда фарзандлари қалбига сўзининг буюк қудрати олдида эҳтиромни, китобга ҳурматни, зиёлига эъзозни сингдирган эдилар. Ҳар қал мазбуотда янги бир нарсани кўрсам, биринчи шёғрим чиққандаги ўша ёрқин ҳаяжон қалбимни чулбақ олади. Бу ойимлардан мерос.

Раҳима ШОМАНСУРОВА



**ЎҒЛИМ, СЕНГА
АЙТАМАН**

(Боши ўтган сонларда)

Ўғлоним, ўзинг холис айт, сенда қачон сиқиладиган, уйга киринг келмайдиган, ота-онангни бот-бот ёмон кўрадиган ҳолатларинг бўлган? Қачонки, ўрни келса-келмаса, жаҳл билан сенга бақирганларидан, эр-хотин уришиб туриб, сени ҳам силтаб юборганларидан, ҳолатинг билан ҳисоблашмай танбех берганларидан! Шундай эмасми? Ушаларни эсла ва болангга билиб муомала қил. Кулоғингда қолсин, ота-онасидан чиройли муомала кўрмай ўсган бола катта бўлса, жоҳил, бемехр одамга айланади, бундайлардан фақат бахтсизлик тарқайди, ўғлим!

Ўзини тутолмай, аёлига қўл кўтараётган ёки оғзидан боди кириб-шоди чиқиб сўкинаётган эркакни яхшилаб кузат. Ундан озор елётганининг аҳолини кўр. Атрофдан олаётган қарғишларига гувоҳ бўл! Ва унинг ўрнига бир зум ўзингни қўй, тасаввур қилки, шу сен! Ҳамда бу кепангнни боланг кўриб турибди, дейлик!

Ўғлоним, агар болангнинг рўпарасида шу қўйга бир марта тушган бўлсанг ҳам, кези келиб, унга насиҳат қилолмай қолсан! Айбини айтдинг дегунча, ичидан эстингдан кулаверадиг. Кўзларини "ўзинг-чи?" деб тураверадиг! Сени ҳурмат қилмай қўйдими, унга насиҳатинг тоғша сув селгандай гап! Қани айт-чи, ўзингнинг болангни ўзинг етаклай олмасанг, қим булдинг энди?!

Бизда оталарнинг ишини кўрсатиб, болаларини тарбиялаб келганлар. Бу она учун айниқса фахр бўлган. Боланг ҳақида ҳавас билан "ота ўғил" десалар, ота учун ҳам ҳар қандай муқофотдан юқоридир! "Отлар ўрнини тойлар боссин" дейди халқ. Илоҳим, ҳаммиса шундай бўлсин!

Атрофдаги ҳамма яхши одамлар яхши инсонларнинг фарзандларидир. Аммо гоҳида туппа-тузук оила ва дуруст ҳисобланган кишиларнинг болаларини номаълум йўللарда кўриб қоламиз. Нега шундай?

Масалан, ўзлари ҳўп яхши инсон, аммо ичкиликка ружу қўйганлар хусусида: маст ҳолатда, ҳатто кекса онаси-ю боласига беодоб бақираётган, идиш-товоқ синдираётган эркакни, ўзини йўқотиб, жўралари ўликдай кўтариб кираётган ёки уйида ҳам, меҳмондорчиликда ҳам беўлчов ичганидан ҳар гал беҳузур бўлиб, бошини пақирдан кўтаролмай қоладиган эркакни бир зум ўзинг деб бил ва болаларини кўриб турибди деб фарз қил! Ўғлоним, қани айт-чи, эрта-индин яхши кўрган ўғлинг рўпарангга, элнинг олдида шу башарада турса, эзтироб чекмайсанми? Ёки шу туришдаги одамга киприқларингга қўйиб ўстирган қизинг йўлиқшини истарминдиг?

Фарзандли бўлиш азиятли бўлиш демақдир! Яъни: минг феълнинг яхши бўлиб, биттаси чатоқ бўлса ҳам кунинг қалти! Қалтислиги шуки, сени кузатиб, измаиз ўсиб келаётган боланг талай фазлнинг четда қолиб, ўша биргина хатоингни олиб олиши мумкин. Сенинг мингта яхши томонинг унутилиб, биргина хатоинг болангга кўчиб турса, биргина ичиб қўйишинг бир умр йиққан илму тахрибанг ва хусни камолингни беобўр қилса, аҳли аёлигга едираётган бисёр ризку, қийдираётган кимхобу атласингни татиттирмаса, алам қилмайдиими?!

Ота бўлган ўғлон, кўрж, битта хато иш қилишдан ҳам кўрж, боланг кўриб турибди!

(Давоми бор)
Турсуной СОДИҚОВА

ОТАЖОНИМ БАХТИМ МЕННИНГ

Мен оиламиздаги қийинчиликларни енгиб келган сабрли, иродали дадажоним ҳақида ёзмақчиман. Дадажонимнинг тортган азоб-уқубатлари ҳеч бир инсон бошига тушмасин. 1992 йил онам Тожибоева Нишонбу вафот этганлар. Мен ўшанда 12, синглим 9, акам 15 ёшда эди. Дадам айрилиқ азобидан кейин кўнглимизга қараб иш тугатдилар, ўзлари емай-

едириб, киймай-кийдириб, бизни вояга етказдилар. Акамни уйлантирдилар. Тўғриси эссам дадажоним бир неча йилдан буён

ошқозон огригидан азоб чекадилар. Қанча даволансалар ҳам фойдаси тегмаепти. Қани кўлимдан келса дардларига шифо берсам. Кечалари "Эй Оллоҳ дада-

жонимга шифо бер", - деб илтижо қиламан. Бахтимизга соғ бўлсалар, дейман. Дадам II-гурӯх ногирони. Аҳволларига қарайману

Мен бу мактубни кўзларимда ёш билан ёздим. Бу дунёда онамиздан айрилдик. Оллоҳ ўзи асрасин, дадажонимдан айрилмайлик.

Феруза ТОЖИБОЕВА
Поп тумани

АРМОҢЛИ ДУНЁ...



хушмуомалалиги билан дўстларидан ажралиб турарди. Ўқувчилик йилларида адабиётга, шёғрийатга қизиқар эди. Бир неча марта "Гулхан" журнали ва туман "Истиқбол сари" газетасида мақолалари кейинги вақтда "Даракчи" газетасида кроссвордлари чоп этилган.

Акажоним, орзуларингиз, режаларингиз амалга ошмай қолди. Бир кам дунё, армонли дунё деганлари шу бўлса керак...

Сизнинг номингиз ўчмайди, бизнинг қалбимизда, дилимизда, тилимизда абадий мангу яшайди. Сизнинг ортингизда издошларингиз, фарзандларингиз бор. Сиз ҳаммиса биз билан биргасиз АКАЖОН!!! Акам шёғрийатга жуда қизиқар эди. Жуда кўплаб шёғрлар ёзганди. Ушбу шёғрларидан айримларини акамнинг сеvimли газетаси бўлмиш "Оила ва жамият"га йўлламоқдаман.

БЎРИГУЛГА
Чечам қизи — Бўригул,
Гуллар ичра зўри гул,
Мақтаса бор ари гул,
Бўригул, э, Бўригул.
Шириндан ширин сўзи,
Шаҳлодир қаро кўзи.
Кизлар ичра сара ўзи,
Бўригул, э, Бўригул.
Шўҳгина чечам қизи,

Хушрўй у, кўчам қизи.
Тунлари ой, кечам қизи,
Бўригул, э, Бўригул.
Ҳар дам ҳар ишга чакқон,
Барчага бирдек ёққан,
Яхши ният-ла боққан,
Бўригул, э, Бўригул.
Кўмак қилганда бизга,
Раҳмат деймиш у кизга.
Кирсин деймиш у юзга,
Бўригул, э, Бўригул.

БАЛОЛАРДАН АСРА, АЛЛОҲИМ
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Гуллар сўниб чаман боғимда.
Булбул хониш қилар оҳимда,
Балолардан асра, Аллоҳим.
Қайдан келиб бу дард танимга,
Озор берди ширин жонимга.
Дард бўлмасин дўст-у фанимга,
Балолардан асра, Аллоҳим.
Дунё бунча баргинг тош экан,
Мен қабилар кўзи ёш экан.
Бир кун баҳор, бир кун қиш экан,
Балолардан асра, Аллоҳим.
Баҳор яна қайтиб келарму,
Чаманим гулларга тўларму.
Аллоҳ десам шифо бўларму,
Балолардан асра, Аллоҳим.

АҚБАР
Кўшрабат тумани,
Оқмачит қишлоғи

2001 йилнинг баҳор фаслида оиламиз оғир жудоликка учради. Айни навқирон йигитлик чоғида, акажоним — болалар шифоқори Акмал Ўтамуродовни 26 ёшида, ҳаммамизни: "Дадажонимиз қачон уйқудан туради", - деб сўраётган жажжи фарзандларини, ота-онамизни, "Эндигина бахтли бўлгандик", деб турган турмуш ўртоғини, табиб бўла туриб дардига даво тополмаган, дардига малҳам бўлолмаган акасини, укажонларини, сингилжонларини, дўстларини, қариндош-уруғни зор-зор йиғлатиб бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Ушандан буён деярли ҳар кун акамни ёдга оламиз. Акамни қадрларини доимо зиёрат қилиб тураимиз.

Ўзи ўқиган Кўшрабат туманидаги Абдулла Набиев номи 64-ўрта мактабда тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, тўғри сўзлиги, айтган сўзидан қайтмаслиги,

- Ҳар хонадоннинг ўз дунёси, ўз қоидалари бўлар экан, синглим.

Беш овсиннинг энг кичигиман. Келин бўлганимга ҳам йигирма йилдан ошди. Катта оиламизда шунча йил яшаб ҳали орамизда бирор марта гап ўтгани йўқ, - дея гап бошлади тахририятимизга келиб ўзини Намунаҳон дея таништирган аёл. - Бир ҳовлида ўттиздан ортиқ одам яшаймиз. Шукр, ҳамма нарсамиз етарли, қайноғаларим жуда меҳнаткаш, тартиб қоида яхши кўрадиган инсонлар.

- Жуда зўр экан-ку! Ховлилар нақ Фармонбидиннинг ҳовлисига ўхшаркан-да. Демак, ҳаётингиз ҳам қизиқарли бўлса керак?

- Ёмон эмас. Айниқса, тўймаърака, йиғинларимизда бир жойда яшашимиз жуда асқотади. Бироқ умиримизнинг ҳамма кунлари ҳам тўй-ҳашамлардан иборат эмас-ку. Тўғри, агар муаммо чиқиб қолса ҳаммамиз йиғилиб биргаликда ҳал қиламиз. Бўйга етган ўғил-қизларимизнинг тақдирини ҳам шундай йиғинларимизда ҳал этилади. Сизларнинг даргоҳингизга кўнглимни эзган баъзи саволлар бошлади-да, синглим... Шунга вақт топиб Сирдарёдан атайлаб келдим.

- Сизни олис йўлга қандай муаммолар бошлади экан?

- Ҳали фарзандларимизнинг тақдирини ҳам бирга ҳал қиламиз, дедим. Ким ўқишга кирди, ким ишлади, ким уйланади? Қизимизни қайси совчиларга маъқул кўраемиз. Ҳаммаси энг катта қайноғамнинг бошчилигида ҳал этилади.

Моддий томондан етишмовчилик сезмаймиз. Сабоби меҳнатсеварлигимиздан бўлса керак. Тўқис яшаш ҳам яхши. Бироқ, ҳаётда ҳар кимнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади-ку! Ҳамма овсинларим қизларини узатишган, ўғил уйлантиришган. Мана, менинг ҳам қизларим вояга етишди. Ўғлим ҳарбий хизматни битириб келди. Қизларим мактабни битиришган пайтида қайноғам: "Қизларинг ўқишга кирмайди, уларни узатамиз", - деди. Мен эса уларнинг ўқишини, жамиятда ўзларини муносиб ўринларини топишларини ва вақти келиб ўзлари кўнгли қўйган йигитга турмушга чиқишларини истардим.

- Ниятингиз жуда яхши экан, бунга қайноғанинг нима деди?

- Вояга етган фарзандимизнинг тақдирини ҳал қилинаётган йиғинда мен катта қайноғамга қарши чиқдим. Умиримда биринчи марта у кишига буйсунгим келмади. "Қизларим ўқийди", - деб туриб олдим. Йиғладим. Лекин эрим жим ўтирарди. Энг ювощ келинидан бу гапни кутмаган эканим, қайноғам ғазабланди. Лекин ўзини босди. "Келин, билиб қўйинг, бу уйда мен нима десам шу бўлади", - дея ўрнидан туриб кетди. Индамидим. Эртасига қизимнинг ҳужжатларини тиббиёт техникумига топшириб келдик. У ўқишга кириб аъло баҳолар билан ўқиб бошлади. Инглиз тилини яхши ўрганган. Кичик қизим ҳам коллежга ўқишга кирди.

- Қайноғанинг бунга қандай қаради?

- Аввалига анчагача гапирмасдан юрди. Кейин яна муносабатларимиз изига тушиб кетди.

- У кишининг қизлари ўқиганми?

- Албатта ўқишган. Лекин ҳозир бола тарбияси билан уйда ўтиришади-да. "Мана, менинг қизларим нима бўлди? Ахир аёл кишининг вазифаси уй-рўзгор, қозон-товок, қолаверса бола тарбиясидан иборат", - дея такрорлайверади. Мен эса: "Майли ажагон, қизларим тақдирини борини кўради-да. Ахир уй-рўзгорни батартиб юртишида ҳам билдим керак-ку", - дейман.

- Кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетди ми ёки?..

- Яхши бўлгандек бўлудию... Яқинда

да, лекин...

- Оилангизда шу туйфайли ноҳушликлар бўлдимми?

- Қайноғамнинг энсаси қотса-да, дангиллама тўй қилиб берди. Аммо эрим ҳануз келинимизнинг кўлидан чой ичмайди. Келиним тавозе билан чой узатса-да, у узатган чойни олмай безрайиб тураверади. Келиним келиб ўтирса эрим туриб кетади. Ўзим йўлини қилиб вазиятни юмшатиб ўтираману, лекин ўзимдан ўтганини ўзим биламан.

- Яъни, нималар?

- Шунча вақт шу уйдагиларнинг ҳамма

сизлар?

- Бунга раҳматли қайнотам йўл қўймаган-да. Ҳамманг бир жойда, бир-биринга эш бўлиб яшайсанлар, деган. У киши бир сўзи инсон эди. Қизларим эса оталарини жуда яхши кўришади. Эркаланиб ёнига келишса, отасининг совуққина нигоҳлари уларни орқага қайтаради. Ўғлим эса отаси билан гаплашгиси, муаммоларини бирга ҳал қилгиси келади. Лекин... У ҳам отасининг ёнида ортиқча гапиришга қўрқади. Телевизорда яхши кўшиқ берилиб ҳаммамиз ҳузур қилиб эшитаётганимизни кўрса: "Учириб қўйинглар, жонга тегди", - дейди. Газетами, журналми ўқиб,

бирор воқеани муҳокама қилиб ўтирсак ҳам ёқмайди. "Газетти шитирлатишма, нервимга тегаяпти", - дея жеркиб ташлайди. Оилавий муносабатларимиз шундай. Ўзимку турмуш қуриш свегги, изтироб нималигини билмадим. Бахтни фарзандларимнинг борлиги деб, билдим. Ҳатто ўзим севган гулни экиб, ўзим ёқтирган рангдаги матодан ҳам кўйлак киймадим.

- Наҳотки шуларга ҳам ҳаётингиз сизмаган бўлса?..

- Биз овсинларимиз билан ҳар доим бир хил кийинардик. Улар қорачадан, мен эса оқ-сардан келганман. Уларга ярашган нарса менга ўтиришмасди. Лекин рад этишга журъат қилмасдим. Овсинларим мойчечакни ёқтиришса, мен атиргулни севар эдим. Лекин уйнинг каттаси - қайноғам: "Ҳовлининг ҳамма ёғига ошқовоқ экасанлар", - деса, сўзсиз ҳовлининг ҳаммаёғини тўлдириб ошқовоқ экиб ташлардим.

- Тўғри, шундоқ катта рўзгорни бирлаштириб, бош бўлиб турган қайноғамга осон эмас. Уларнинг фикрларига қарши чиққанам учун уэр ҳам сўрайман. Мен фақат фарзандларимиз ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлу ўз мақсадига эга қилиб инсонлар бўлиб етишларини истайман. Биз - катталар фарзандларимизнинг орзу-ҳаваслари, интилишу излашларига тўқсинлик қилмаслигимиз, аксинча парвозларига қанот бахш этишимиз керак-ку, ахир.

Аёл шундан кейин қизининг ўқишдан қайтадиган вақти бўлганини айтиб кетишга чоғланди. Уни кузатган, эшитганларим таассуроти билан анча ўйланиб ўтирдим. Ҳаётда иккита овсинларнинг бир ҳовлида иноқ яшаб, кейин алоҳида қилиб кеттишганини эшитганман. Бу аёл йигирма йил яшаган бўлса... Унинг гапларида, мулоҳазаларида жон бор. Тўғри, қариндош-уруғларнинг бирга-бирга ҳаёт гаштини суриши, шодлигу қайғуни бирга тотиши, ҳамнафас ҳаёт кечириши яхши. Лекин қаҳрамоним айтганидек, бу иш мажбурият, зуғум асосига қурилмаслиги лозим.

Ахир ҳар бир инсон ўзи бир дунё. Ҳар бир инсоннинг ўз феъл-атвори, ўз қизиқиш доираси, ўз ҳаётини принциплари бор. Инсоннинг инсонлиги, шахсияти ана шулардан таркиб топади. Бу омиларга дарз етмаслиги, топталмаслиги керак.

Бунга сиз нима дейсиз, азиз юртдошим!..

Басира САЙИДАЛИЕВА

ҲАР ГҮЛШИГ ХИШ БОШҚАЮ,



ЛЕКИН...

бир масала юзасидан яна қаршилик қилдим. Биласизми, ўқиган бўлсам-да, ўз соҳамда ишламадим. Шу оилага келин бўлиб тушган, шуларнинг изига кўндим. Фарзандларим зукко, мен билан ҳар хил мавзуларда гаплашишади. Саволлар беришади, шеърятни севишади. Билганимча жавоб бераман. Ваҳоланки, ўғлимнинг ўзи гаплашиб юрган қизи бор эди. Буни менга айтганди. Уша қизни яхши билганим учун у менга маъқул ҳам бўлганди. Уйдагилар топан қиз чиройли, ақлли, бадавлат оиланинг фарзанди. Бироқ унинг дунёқарши, фикрлаши ўғлимга асло тўғри келмайди-да. Ўзим буни кўп кузатганман. Шунинг учун қарши чиқдим. Қанча жанжал-тўполондан сўнг ўғлим ўзи севган қизига уйланди. Бундан хурсандман, иккиси жуда бахтиёр яшамок-

айтганига кўндим. Овсинларим билан бирор марта сану манга бормадим. Не гап ўтса-да баъзан қулиб, баъзан ичимга ютиб енгдим. Эрим, фарзандларим учун шу уйнинг иссиқ - совуғига чидадим. Фарзандларим улғайди. Уларнинг тақдирини ўзгалар ҳал этишига кўнмадим, қўнолмадим. Нега энди қизларим ўқимаслиги, нега энди ўғлим севганига эмас, амакилари танлаган қизга уйланиши керак, ахир? Унинг ҳам ўз орзулари, умидлари бор-ку!

Эримга ҳамма нарса барибир. Ишлаб келса, овқатини ёб, тинчгина ётиб ўхласа бўлди. Ўз фикри йўқ, акаларига гап қайтаргиси келмайди. Ишқилиб ўз оиласининг тақдирини ҳам шуларга топшириб қўйган. Ёки айб ўзимданми? Ҳеч тушунолмади қолдим. Очиғини айтсам, катта рўзгорнинг ташвишлари билан елиб-юғуриб эру хотин бир пиёлагина чойни биргаликда ичмаган, хотиржам сўхбатлашмаган эканмиз. Шунга ачиниб кетаман. Агар уй-рўзгоримиз бошқаларникидек алоҳида бўлганида бошқача бўлармиди?

- Нега алоҳида уй-жой қилмаган-

- Опажон! Менга маслаҳатингиз керак, - деди кўнғирок қилган қизгина. - Ҳозир аммамнинг уйдиданман. Ёшим 20да. Отам, онам, икки синглим ва иккита укачам бор. Уларни соғинаяман. Уйимизга боргим, ўз оиламизда яшагим келади.

- Нега аммангизникидасиз?

- Очиғини айтсам... Онамнинг вафотидан кейин икки синглим билан қолдик. Отам уч қизинг ўзига хос муаммолари, кундалик ишга бориб келиш, ош-овқат тайёрлашда қўйналари. Шунинг учун отамни қариндошларимиз уйлантиришганди. Ўғай онам аввалига яхши эди. Кейин эса... Иккита ўғил укачалар бўлди. Улар ширинтой,

МЕҲР РИШТАСНИ БОҒМАНГ

яхши кўраман. Кичик синглимнинг қўлларида оқ доғ бор эди. Шунданми, онам уни ёқтирмаётгандек туюларди менга. Шу сабаб орамизда гап қочди. Кейин аммангизникига кетиб қолганман.

- Аммангиз олиб кетдимми ёки ўзингиз бордингизми?

- Ўзим. Йиғлаб аммангизникига бордим. У киши қизларини уза-тиб юборган. "Майли, меники-да яшайвер", - деди. Шу ердану, лекин хаёлим уйимизда. Сингличам мени яхши кўрарди. Уларни, ўғай бўлсада онамни

ҳам соғинаяман.

- Уйингизга қайтиб борганингиз маъқул, эмасми?

- Ўзим ҳам шунини истайману, кўнглимда гап қочди.

Кўнғирокларингиздан бири

қандай қилиб бораман энди? Ёки кечирим сўрайми ота-онамдан? Ахир ўзим аччиқ қилиб чиқиб кетганман-да... - Эгилган бошни қилич кесмайди, дейишади. Улар кечиринг, хурсанд бўлишар. Яна ҳаётингиз ўз изига тушиб кетади. Ёшингиз ҳам йигирмага борибди. Ҳаде-

лаб келибди. Ёшлиқ қилибди. Уни етаклаб уйига олиб борсангиз, укангиз ва келинингизни олдига ўтиргизиб қўйиб, бироз насихат қилсангиз бўларди-ку! Қизининг сизникида яшашни укангизнинг оиласи номига яхши эмаслигини ўйлаш, сиз - онадан лозим эди. Биз опалар доимо укансинглиларимиз ҳаётиндан бохабар бўлишимиз, керак бўлса муаммоларини бирга ҳал қилишимиз зарур эмасми?

Ёки "Аммангиз бир" - ҳаммаям бир", деб ўйлайсизми? Асло, аммалар меҳр ристасини боғлагувчи фаршталардир.

ҲАМИДА

Синглим Р., газетада чоп этилган юрак ҳасратларингизни ўқиб сизга мактуб ёзмоқчи бўлдим. Инсон дардини инсон кўтарди деб бекорга айтишмаган, газетага ёзиб анча енгил бўлгандирсиз. Мана бир неча кун ўтди, тунда ҳам, кунда ҳам сизнинг ҳасратларингиз менга тинчлик бермайди. Чунки, неча кундан бери хат ёзмоқчи бўлдим, лекин негадир, нимадир мени тўхтатиб қолаверди, билмадим нима у?

Сингилжон, сизга бир нарсани айтмоқчиман. Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Хатингизни касбдошларим билан ҳам ўқиб чиқдик. "Оила ва жамият" менинг энг сеvimли газетам, унинг ҳар бир сонини йиғиб олиб қўяман. Тарбиявий соатларда, ёки кизлар йиғинларида ундан фойдаланаман. Ҳатто ҳаётини кузатишлар, қийинчиликларда ҳам кўл келувчи яхши манба ҳисоблайман. Сизнинг юрак сирларингизга ошно бўлиб, шуни таъкидламоқчиман-ки, сиз дай оқила,

доно, ақлли киз фақат бахтли бўлишга лойиқ.

Тўғри, юракка қарши юриб, унга буйруқ бериб бўлмайди. Муҳаббат шундай туйғуки, у меҳмон бўлган ошибдан кетиши мушкул, биз меҳмон келса унинг иззат-хурматини жойига қўйиш учун яралган ўзбек аёлларимиз. Демак, ўша меҳмонни кузатишнинг ўзи бўлмайди. Аввало, бундай юрак туйғу ҳаммага ҳам назиб этавермайди. Лекин, ана шундай пок муҳаббатнинг армонлари бўлади. Бир пайтлар мактабни тугатгач, малохатли бир аёл билан танишиб қолдим. Ўша аёл бизнинг туманга узокдан келин бўлиб тушган эдилар, мен ҳам у кишининг баъзи сўхбатларида бўлганман. Бир кун у киши билан мана шу сизнинг мактубингизга ўхшаш бир хат устидан сўхбатлашиб қолдик, ана ўшанда у кишининг: "Ҳақиқий, пок, соф, энг олий муҳаббат бу армон", дегани эсимда. Йиллар ўтди. Тақдир тақозоси билан мен ҳам узок жойга турмушга чиқдим ва 13 йилдан кейин ўша аёлни учратиб қолдим ва ўша гапларини эсладик. Қаранг-ки ҳали ҳам у киши ўша гапларида турган эканлар: "Ҳақиқий севги бу армон". Қаранг, мен бу жумланинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмадим-у, лекин кўпича бу нарсга ҳақлигини ишботлайди. Чунки, энг соф ёки ширин нарсани фақат орзу қиламиз. Бахт қасрида таъзим қилиб "келин салом" бераётганингизда А. акангиз кўз олдингиздан ўтавергандир. Лекин ўша ойинингиз айтганларидек бошингиз бемор бошида

бўлса, фақат уйдагиларингиз кўз олдингизда гавдаланаверар экан. Сингилжон, илтимос, ўқинманг, мен мактубимни битаётибману, лекин сизга ачиниб оқайтган кўз ёшларим тинмаяпти. Дунёда мена: "Ким бахтли инсон!" деб сўраганида: "Ота-онаси бор инсон бахтли", деб жавоб берардим. Сизни дунёга келтирган ўша қаттиққўл дадангиз-у, сизни шундай ажойиб, оқила киз қилиб тарбиялаган онангиз бор экан. Уларга минг раҳмат, сизни шундай вояга етказишганига. Чунки сиз бошқа баъзи бир енгилтабиат кизлардек йўл тутмабсиз. Р. сингилжон, сиз ўқинманг, бахт сизга



СИНГИЛЖОНИМ, ҲЕЧ ЎҚСИМАНГ...

«Сиздан кечши менга осон бўлмади»—38-41-сонлар

ЭСЛАТМА: Орзуим ушалиб тиббиёт институтига ўқишга кирдим. 4-курсда шифохоналардан бирига навбатчи ҳамшира бўлиб ишга ҳам кирдим. У ерда А. исми йигитни учратдим. Биз бир-биримизга боғланиб қолгандик. Мен севгимдан бахтиёр эдим. Ота-онам бунга қарши чиқиб, мени бошқага унаштиришди. Мен ҳаётимни А. сиз тасаввур қила олмайман. Ота-онамнинг гапига кириб янглишмаяпманми?

кулиб боқади, негаки сиз онангизни ранжитмабсиз. У кишининг қийналишини истамабсиз. Ота-она жуда азиз кишилар. Биламан, мен ўша муҳаббат боғини гулдандан узиб, булогидан сув ичиб турмушга чиқдим. Мен ҳам хизматчи оиласидан эдим. Менинг ҳам ота-онам бир-бирларига бегона эдилар. Биз оилада беш фарзандимиз, ҳаммамиз ўз кўнгли қўйганимизга турмушга чиққанмиз. Ота-онамиз фақат бир нарсани айтишарди: "Эшигимдан боз эгиб келмасанг бўлгани!" Хали бирортамизда бундай ҳол бўлгани йўқ, бўлмасин ҳам, лекин ўша бизга бахт тилаган ота-онамиз энди йўқ. Уларнинг биз учун нақадар куйиб-пишиб, бахтимизни ўйлаб иш тутишиб, ўз кўнгли-истакларидан воз кечшиганини энди сезаяпмиз. Лекин энди уларнинг йўқлиги бизга армон.

Армон эса юрагингизда бир умр сақланар экан. Шунинг учун ана шундай армон сизда бўлмасин дей-

ман. Негаки ота-она топилмас, тенгсиз, сўз билан таърифлаш қийин бўлган азизлар экан.

Мен сизни тушуниб турибман, сизга жуда оғир. Юрак иши, муҳаббат савдоси оғир. Лекин ота-она ҳаммасидан устун экан. Сингилжон, вақти келиб А. акангиз ҳам сизни тушунар, сиз айтгандек кенг ҳовлининг куеви бўлар, ўша йигитга ҳам бахт тилайман. Бир-бирингизга қанчалик армон бўлманг, ўз бахтларингизга эришинг. Негаки, Отабек ота-она розилигисиз Кумушни бахтига эришмоқчи бўлса, Зайнаб ота-она розилиги билан Кумуш тақдирига нуқта қўйди. Қарангки, орада бегуноҳ Кумуш қурбон бўлди. Демак, менинг сизга айтмоқчи бўлганим:

- Лайли бўлиб ҳикронларда кўйдингиз,
- Ширин бўлиб бир марди сиз суйдингиз.
- Лекин бахтинг боғидан гул узолмай,
- Юракларга армонларни туйдингиз.
- Сингилжоним, ўқинманг ҳеч, ўйламанг,
- Дардингизни юлдузларга сўйламанг.
- Фақат, илтимосим ишонинг, ишон -
- Ҳақиқий муҳаббат аслида армон.

Мана, сизга менинг дил сўзларим. Агар сизга оғир бўлмаса ва фақат истасангиз менга— тахририятга хат ёзинг. Чунки сизнинг ҳасратингиз менга тинчлик бермапти.

Дилбар НОРМУРОДОВА

Термиз шаҳри

ИЧКИЛИК ЖОН ОФАТИ

«Йигитларга қарагим келмайди»—40-сон

ЭСЛАТМА: Менинг дадам 46 ёшда, аммо 70 га кирган кишилардан кўра баттарроқ қариган. Бунинг сабаби ароқ! Мен ақлимни танибманки уйдаги можаролар, жанжаллар бошида оёқларида зўрга турадиган дадам туради.

СЎҒДИЁНА

Ҳурматли синглимиз Сўғдиёна! Хатни ички дард билан ёзганлигин сезилиб турибди, отанг ичкиликка берилиб кетган экан. Бу йўлдан уни ҳеч ким қайтара олмайди. Тарқи одат, амри маҳол-да. Ичкилик отангнинг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган. Оллоҳ талола ва бух келмайди.

Ичкилик жигар фаолиятига салбий таъсир этади, юзни буриштиради, эрта қариб қолиш сабаби шундан. Синглимиз Сўғдиёна! Отангни қўни-қўшни, ўз тенгдошлари, маҳалла оқсоқоли, маҳалла активлари ўртага олиб: "Сен бола эмассан, ёшинг катта бўлиб қолди, ўзингни тугиб ол, уйингда бақариб юрма",-деб насиҳат қилишлари мумкин. Ичкиликни ташламаса ҳам, гуракда турмайдиган сўзлардан, бақана, учирма кепалардан тилини тийиб юрса ҳам катта гап. Ёзган хатингдан шу нарсга маълум бўладики, рўзгор юки онанг бўйнида экан. Оила тебратишни ўзи бўлмайди. Онанг бардошли аёл экан. Онанинг қадрига ет, энг яқин ёрдамчиси бўл. Уйдаги оғир-енгил ишларни онанга ташлаб қўйма, уканг билан бирга бажаргин.

"Йигитлар гапирганда уларга ҳатто қарагим ҳам келмайди. Қўрқаман, агар улар ҳам дадамга ўхшаса, мен чидай олмайман",-деб ёзибсан. Ҳаммани отангга қиёс қилма. Дунёда яхши фазилатга эга бўлган инсофли, хушфелъ, мўмин-қобил инсонлар кўп. Бундай инсонлар жамиятимиз фахридир. Асосий гап отанг ҳақида бораёпти. Ичкиликбоз бўлса ҳам отанг, тилини тиелмаसा ҳам отанг. Унинг хулқ-атворини ўзгартириб бўлмайди. "Қон билан кирган, жон билан чиқарди", дейдилар. Отангга муносиб жазони ҳеч ким бера олмаса ҳам, фақат қодир Оллоҳ бера олади. "Ароқ билан дўст бўлсанг, бир кун ҳолинг бўлар вой", деган гапни отанг эшитган бўлса ҳам унга амал қилмайди. Ичкилик жон офати эканлиги отангни заррача ташвишга солмаганга ўхшайди.

Отангни маст бўлиб юриши ҳам вақтинчалик. Бу фоний дунёда ҳар нарсанинг чегараси бор. Ҳаёт беташвиш бўлмайди. Лекин шуни ҳам унутмагинки, отам ичкиликбоз деб тушқунликка тушиб, кўнглингни чўктириб юрма. Ароқ ичса отанг ичибди, сен эса ўзингни муस्ताқил Ўзбекистонимизнинг ўсиб қалаётган умидли ёшларидан бири деб ҳисобла. Дадил бўл, руҳингни туширма. Келажакка ишонч билан боқиш керак. Отанг баъзи бўлмағур гапларни айтиб, укангнинг газабини кўзгатибди. Укангга ҳам айтидиган гапим бор. Ёмон бўлса ҳам у отанг-да. "Опа, нима қилай? Йигит бўлганимда падаркушли қилардим",-деб санасан. Эй, ўғлон, ўзингни бос, бу ниятнинг қанчалик қайт, бундай сўзни тилингда олма, падаркуш деган тавқи-лаънатни олиб, бошингни эгиб юрмагин. Ёмон инсодга қолма. Яхши кунлар ҳали олдинда. Отанг ҳам инсофга келиб қолар.

Падарибузрукворинг ўзи гапирган гапларидан уялиб: "Эй, қизим, ўғлим, сизларни хафа қилдим, нимаки ўйламай гапирган бўлсан, барчасига шу ароқ сабаб", дейдиган вақтлар ҳам келса ажабмас. Сабрли бўлиш керак.

Юнус ТОЛИПОВ

Тошкент шаҳри

БАХТ ҲАММАГА БЕРИЛАДИ...

«Севгимизга ҳамма қарши»—23-сон

Ойгул! Сизга маслаҳатим, севгингиз учун курашинг ва бунда ғолиб чиқинг. Яқин қариндош-уруғларингизга тушунтиринг. Ҳеч қачон узокқа бегонага бермаймиз деган сўз умр савдосида бўлиши мумкин эмас. Отангизнинг ўлими бунга сабаб бўлолмайди. Тоғаларингиз хато қилишгаётганини тушунтиринг. Мен ҳам сизнинг тақдирингизга ўхшаб кетадиган бир воқеани сўзлаб бераман.

У киз менинг яқин дугонам Л. бўлиб, З. исми бола билан бир неча йиллардан бери севишиб юрарди. Тўсатдан Л.ни бошқага узатмоқчи бўлишди, чунки момолари шуни хошлашганди. З.га эса сенга қизимизни бермаймиз деб туриб олишди, чунки Л.нинг отаси йўқ эди. Қизнинг тақдири момоси, бобоси ва амакилари-

нинг кўлида эди. Л. З. билан турмуш қурамыз деб аҳди паймон қилишганди. Тўйдан бир ҳафтадан сўнг Л. турмуш ўртоғи билан яшай олмаслигини англаб етди ва келинлик уйини тарк этишга мажбур бўлди. Л. З. билан топишиб никоҳдан ўтиб, узок элга ош берди. Бундан Л. ҳам жуда қариндошлариникида яшаб юрди. З. хурсанд эди. Ҳозирги кунда улар жуда оилада битта фарзанд бўлганлиги учун

онаси аввал норози бўлди, лекин ўғлининг сўзидан ўтолмай Л.ни келин қилишга ваъда берди. З.нинг онаси Л.нинг биринчи турмуш ўртоғининг тўйига кетган харажатларини тўлади ва З.га тўй қилиб

соғ-саломатлигидан хабардор бўлиб турибди. Л. билан З.нинг бахтли турмушини ҳамма кўриб ҳавас қилади. Яқинда улар фарзандли бўлишди. Момолари, амакилари қилган ишдан пушаймон. Чунки уни севган йигитига беришганида бу савдолар бўлмас эди.

Синглим Ойгул, мана шу мақолани амакиларингиз ҳам ўқиса, балки улар рози бўлишар. Мен сизга бахт ва омад ёр бўлишини жуда истардим. Доимо ишингизнинг ривожини берсин, сизга бахт тилайман.

Мунира ТУРОПОВА

Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани

ОЙГУЛ

Ойгул! Сизга маслаҳатим, севгингиз учун курашинг ва бунда ғолиб чиқинг. Яқин қариндош-уруғларингизга тушунтиринг. Ҳеч қачон узокқа бегонага бермаймиз деган сўз умр савдосида бўлиши мумкин эмас. Отангизнинг ўлими бунга сабаб бўлолмайди. Тоғаларингиз хато қилишгаётганини тушунтиринг. Мен ҳам сизнинг тақдирингизга ўхшаб кетадиган бир воқеани сўзлаб бераман.

Отажонимиз Муса АХМЕДОВ!

Сизни табарруқ б'ё шинингиз билан табриклаймиз. Сизга узок умр тилаймиз.



Ўглингиз Иzzат, неварингиз Бибимарям

Зухроф — кўзи хурф, Ёшорда нон сомади. Сўзлариди сўх б'ёр, Эли хурмат қилади. Ҳайвда яқин дўстни, Ёнгилдингиз ким экан? Д'ом худуди, хушнинг, "Оила ва жамият".

Сизга узок умр, бахт-саодат тилаб қолувчи **Али Қори ва ота-онангиз, ака-укаларингиз, дўстарларингиз**



Севикли ГУЛНОР!

Сени таваллуд топган кунингизни ла ити тирақдан қутлайман. Сенига узок умр, с'оғат-саломатлик тилайман. Сенига доимий бахт тилаб жонидан ортинк с'увуби дўстини Р.

Кашқадарё

ЭЪЛОН

Келинларнинг ҳайит дастурхонинг торт ва пишириқлар пишираман.

Тел: 162 - 67 - 86


ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Кўйлаги пуллик кўрсатга қабул эълон қилади:

- энг замонавий усул асосида оссон ва тез бичиш ҳамда ўзиб-тиқиш - 4 ойлик; • пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • машинада гул тикиш - 3 ойлик; • аёлларнинг замонавий костим, пальто ва плацдарини бичиш ва тикиш - 3 ойлик. **Диққат!!! 2001 йил апрелдан бошлаб махсус кичик сурхуларга ҳам (3-4 кашдан иборат) қабул қилишмоқда ва ўқитилмоқда.**

Ҳар кун яқка тартибда олиб боришга унумли машулотлар давониди марказ кўрсатини ҳар бирини бир ойда ўзлаштирасиз. Битирганларга диллом берилди. Қабул ҳар кун (яқшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзилнинг: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Муълал: Метронинг «Ами Темур» бекати, ДЗУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечқурун).



ДИҚҚАТ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

"Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошлари бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бир мунча ортиб бориши билан ёнгин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябр куниди 622-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатни олдини олиш учун Республикада 15 ноябрдан 15 февралгача бўлган давр **"Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"** деб эълон қилинди. Фармойишда кўрсатилгандек ушбу тадбирни ўтказишда қўлланган асосий мақсад "Халқ ҳўжалиги масканлари ва аҳоли турар жўйлариди ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали ёнгинларни олдини олиш, кескин ҳисқартириш ва фуқаролар орасиди ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб этиш" деб белгиланади.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирларда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъминлаймизки, бу даврларда Ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатий риоя қилиб сиз нафақат оилик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, ўй жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

А. Қўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқарма бошлиги

КЎЛВОР ИЛОН ДАВОСИ

Анчадан бери катта акам ошқозон - ичак касаллигидан шикоят қилиб юрардилар. Еб-ичишларида тайин бўлмай, озиб кета бошладилар. Хасталиқлари унча хавфли бўлмасида, шифокорларга кўриниб, улар буорган дори-дармонларни ўз вақтида ичиб юрардилар. Келинойим ҳам акамга меҳрибон, доим унга парвона. Кимдан нимани эшитса, нимани кўрса дарҳол шу амалларни бажаришга киришади.

Уларнинг бир кўниси бор. Уша аёл баъзан кўп нарсага даво деб, кўлвор илон тадбириб келиб, уни нафис матога бутунлигича ўраб овқатга соларкан-да, шу овқатнинг сувидан болаларига ичираркан. Келинойимга ҳам шундай қилишни маслаҳат берибди. Бир кун кўшни аёлнинг ўзи бир коса иссиққина қайнатма шўрва кўтариб келиб қолди ва келинойимнинг кулоғига "эрингизга ичиринг, келин", деб тайинлаб кетди. Биз ҳеч нарсадан хабаари йўқ акамга шўрвани ичирдик. Ичирдигу, оқибати нима бўлар экан, ёмон таъсир қилмасмикан, деб хавотирга тушдик. Эрталаб уйқудан турган акамдан келинойим шовапиша: "Яхши ётиб турдингизми, дадаси?" - деб сўрадилар. Акам бўлса: "Яхши ухладим, фақат тушимда илонлар менга ҳамла қилишди. Улар билан роса олишиб қидим", - дедилар ҳеч нарсадан хавфсирмай. Шунда мен баъзи бир халқ табобати йўлидаги даволар одамнинг нафақат организмига, балки унинг руҳиятига ҳам таъсир этишини кўриб ҳайрон қолдим.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА

ХИЗР БУВА ПЕШОНАМДАН ЎПДАЛАР

Халқимиз орасиди Хизр бува ҳақида турли гаплар юради. Бу ривоятларда Хизр бува илохий куч-қудратга эга бўлган, покиза инсонларга яхшилик қилувчи шахс сифатида тасвирланади. Хизр буванинг бош бармоғининг суюғи йўқ бўлади, унинг умри боқий деб таърифланади. Одатда валийсифат одамларга нисбатан "Хизр назар қилган" деган ибора ишлатилади. Шунингдек бирор майдонда экин яхши ҳосил берса, "шу ерга Хизр бува ҳассаларини тикиб кетган", - деган гаплар ҳам айтилади. Ҳаммамизга маълумки, она шахримиз бўлмиш Тошкент обод, фаровон, тўкинчиликка қон бўлган шаҳардир. Шу ваздан Тошкентни ҳам "Хизр буванинг назари тушган шаҳар" деб мадҳ этилади.

Мен ҳам Хизр бува билан боғлиқ ўз бошимдан кечган бир ҳаётий воқеани хижоа қилмоқчиман.

1943 йилнинг ёзи эди. Мамлакат уруш гирдобиди азоб чекарди. Шундай кунларнинг бирида онам билан озик-овқат харид қилиш учун қишлоғимиздаги "Кўктерак бозори"га пиёда йўл олдик. У пайтда мен 15 яшар эдим. Бозорга элтувчи йўлнинг ҳеч ким яшамайдиган яланглик қисмида рўпарамда, хаёлимда бир нуроний чол пайдо бўлди-да, менга яқинлашиб пешонамини силаб: "Сен бахтли одам бўласан", - деб дуо қилгач, кўздан гоийб бўлди. Мен бу сиру-синаотдан лол бўлиб турганимда, онам: "Бу чол Хизр бувам эканлар. Сен албатта бахтли бўласан", - деди. Бу воқеа кечагидай ҳамон ёдимда. Мен ҳаётда ҳақиқатан ҳам бахтли одам бўлдим. Ҳозир ёшим 75 да.

Тўрт қиз ва бир ўғилни уйлантириб жойлаштирдим. 30 га яқин неварачевараларим атрофимда парвона. Пиру чадавлат бўлиб тинч ва осуда ҳаёт кечирмакдаман.

Умр оқар сувдек елиб ўтаркан, Дунёга ким келиб, кимдир кетаркан. Умр боқийлиги фарзандлардадир, Юракдан яралган дилбандлардадир. Менинг ҳам кўп пушти камарларим бор, Не тадбир қилибман, самарларим бор. Умрим давомчиси — ўғил-қизларим, Кувёш теграсида ой-юлдузларим, Бор экан, ўчмайди ёнги чирогим, Обод қолажақдир яратган боғим.

Соип МУҲАММЕДОВ,
меҳнат фахрийси

ТИРНОҚЛАРГА ҚАРАБ ТАШХИС

Тажрибали одамлар тирноқларингизга қараб бирон жиддий касаллик билан оғриган-оғримаганингизни айтиб бера олади. Сабаби вужудингиздаги кучли ўзгаришлар албатта тирноқингизда ўз аксини топади.

Асабларингиз бузилса, иситмангиз кўтарилса, заҳарлансангиз, кўп қон йўқотсангиз, узок вақт кучли дори қабул қилсангиз — тирноқларингизнинг ранги ўзгаради, доғ пайдо бўлади, қуруқ ва тез синадиган бўлиб қолади, баъзан... бутунлай тушиб кетади. Агар қон айланиш системангиз бузилган бўлса, тирноқларингизнинг ўсиши секинлашади, ҳомилдор пайтингизда тез ўсади.

Умуман олганда, тирноқларингиз тили бўлмаси-да, сиз ҳақингизда маълумот бера олади. Узун тирноқлар эгалари ўйчан, сокин, мулозиматли ва келишувчан эканлигидан дарак беради. Қалта тирноқлар ўз эгасининг фаол, оқил, аммо танқид қилишни яхши кўришидан хабар беради.

Тирноқлари тубидан олинган кизларни кўрдингизми, билингки, у ё ёш она, ёки "аъло"чи талаба, ёхуд ўзини яхши тирмовишловчи, аммо модага берилмаган хонимдир.

ТИРНОҚЛАРИНГИЗНИ СЕВИНГ

Ҳадеб тишлайверсангиз, темир аррача билан дуч келган томонга қараб қираверсангиз ёки доимий равишда бўяб юрсангиз — тирноқларингиз сиздан хафа бўлади.

Темир аррача билан тирноқ четларини тозалаётганда гоят эҳтиёткорлик билан четдан ўртага қараб ҳаракат қилинг. Ҳафатада бир марта бўяш кифоя қилади. Лак уча бошлаши билан махсус эритма билан тозалаб ташланг. Тирноқингизнинг дам олиши, нафас олиши учун имкон беринг.

Иложини топсангиз, тирноқларингизни иссиққина ўсимлик ёғи, 3 томчи йод ёки 5 томчи лимон шарбати солинган сувда, бўлмаса намақобда ванна қилиб туриг.

Ж. ЭРГАШЕВА тайёрлади

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

2002 йил учун "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлган мухлисларимиз ва рининг ҳисобчиси Амина Эшжамият, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидан Эркинжон Ўрозбоевлар обуна бўлганликлари ҳақида мақриқлаймиз, дея ваъда берган эдик. Шу ниятда бизга биринчи бўлиб Хоразм вилоятиндаги Урганч туман бозо-

ТўРТЛИКЛАР

Ўз ҳурматин билган мўмин кишининг Икки дунёси ҳам бўлар нурафшон. Ё ҳурмат қилмаса, ўз-ўзини ким - Ўзгага ҳурмати бўлмас ҳеч қачон.

«Оила ва жамият» ўғитномаси

Бу ҳаёт оловдир, мисоли бир шам, Лек унинг хислатин билмаймиз ҳеч ҳам. Бил, олов тафтида инсон қисмати - Савобу гуноҳинг бўлган мужассам.

Собир МАТКОМИЛОВ
Бешариқ тумани

11 йиллик дардимни кимга айтишни билмай, охири севимли газетам орқали юртдошларимга ёришига қарор қилдим. Йигит кишининг бошидан ўтганларини кўпчиликка дастурхон қилиши балки нотўғридир. Лекин мен ёзмасликнинг ўзга чорасини тополмадим. Шу сабаб азизлар, мени тўғри тушунасизлар, деган умиддаман. Келинлар, гапни пўсткалланини айтиб кўяқолай.

Менинг ёшим 34 да. Андижонданман. Ҳар бир инсон ҳаётда мендайин омадсиз бўлмасин экан. 1990 йили Қорасув шаҳрида акам бетоб бўлиб шифохонада анча ётиб қолди. Биз уйдагилар навбат билан алмишиб акамга қараб ётдик. Шу йили шифохонада бир киз билан танишдим.

Анча кун у кизни кузатиб юрдим. У менга ёқиб қолганди. 1990 йил 17 август кuni шу кизга ўз розилигим, тўғриси айтсам хоҳишу, кистовим билан унаштирилдим. Эй, азизларим, бу кўнгилга қулоқ солсак ҳар нарса истар экан. У киз шу шифохонада ҳамшира эди. Яна унинг шу ерда ишловчи бошқа дўгоналари ҳам менга оғиз очганларида мен уларга киё ҳам боқмагандим. Тўйимиз ҳам бўлди. Менга уйдагилар маҳалламизда жуда яхши қизлар бор, дейишганда ҳам ҳеч кимга қулоқ солмай ўз қалбимга қулоқ солгандим. Хато қилганимни кейин англадим. Хуллас мен уйланган киз жувон экан. Дардимни кимга айтишни билмай тилимни тишладим. Уйдагиларга айтсам, ўзим шарманда бўлишимни ўйладим. Чунки мен шу қиздан бошқасини демаган эдим.

Хуллас шундай қилиб яшай бошладик. Орадан бир йил ўтиб ўғил кўрдик. Фарзандлик бўлганимиздан сўнг ўтган кунларни унутиб умр йўлдошимга меҳрим яна орта борди. Орадан икки йил ўтиб, яна бир ўғиллик бўлди. Яхши ният-орзулар янада кўпайди. Оиламиз маҳаллада энг ҳурматли, ҳамма ҳавас қиладди. Шундай обрўли оиланинг, шундай эътиборли инсонларнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Ҳатто Наврўз байрами кuni маҳалла комиссияси аъзолари тантана билан келишиб дарвозамизга "Энг намунали оила" деган ёзувни илеб қўйишганди. Афсуски, менинг оилавий турмушим тўрт йил яхши ўтди, холос. Икки фарзандимиздан кейин турмуш ўртоғим ҳар хил бахоналар ишлатиб ўз ота-онасининг уйига тез-тез кетадиган бўлиб қолди. Гоҳида ўзи келарди, гоҳида ўзим бориб олиб келардим. Ахир болаларимни жуда-жуда соғинардим. Хуллас хотиним борган сари ўзгариб борди. Ҳали акамларга, ҳали келин аялларга бақирадиган қилиқ чиқарди. Мен ҳам, акаларим ҳам ҳаммасига чидадик. Мен уни киз олмаган бўлсам ҳам бирон мартаба ҳали юзига бу гапни айтмагандим. 1994 йил май ёки июн ойлари эди. Тошкентга бир юмуш билан кетган эдим. Мен йўғимда хаттоки дадамга ҳам бақирибди. Биз 5 ўғилмиз. Ҳаммамиз уйли-жойимлизи. Дадам: "Кизим уйда эрингиз йўқ, қаёққа кетаясиз?" - дебдилар. Хотиним "уйга" - дебди. "Ҳўп майли", - деб дадам хотинимни кўлига пул берибдилар. "Кизим фақат бошингизга рўмол ўраб олинг. Маҳалладагилар айб қилиб юришмасин", - дебдилар. Шунда хотиним: "Нима, сизлар менга рўмол олиб берганимизлар?" - деб дадамни роса изза қилибди. Бу воқеага ука ва келин аяларим ҳам гувоҳ бўлишган экан. Тошкентдан уйга - Андижонга келсам, уйда сукунат. Ҳаммаёқ сув сепгандек тинч. Мен: "Тинчликми ўзи, нима бўлди?" - деб ҳаммадан сўраб чиқдим. Уйдагилар ҳеч нар-

са бўлмагандек, "ҳеч гап йўқ", - деб қўйишар эди, холос. Укамни олдимга чақириб секин гап олдим. Укам тўғриси айтмади. Шу кuni уйда катта аканинг қизлари ҳам бўлган экан. Шу киз орқали барча бўлиб ўтган воқеани билиб олдим. Орадан кунлар ўтди. Лекин бўлган воқеани мен хотинимнинг юзига солмадим. Аммо яна бир кuni акам билан "сен-мен"га бораётганига гувоҳ бўлиб қолдим. Эшитиб турсам, менинг хотиним ноҳақ ишни қилапти. Яъни ўғлимни урганида акам ажратган экан. "Сенинг ишини нима, урамни, сўкамани ўзимнинг болам-ку", - деб акамни юзидан олапти. Барчасига чидадим. Ота-онам "Келин эмас қизим

ҳам кўп мартаба бизни яраштиришга ҳаракат қилишди. Лекин барча ҳаракатлар бекор кетди. Орадан бир ярим йил ўтди.

Мен Тошкентга тижорат ишлари билан келиб-кетиб юрдим. Бир кuni бир фирмага иш билан кириб қолган эдим. Шу ерда О. исмли қиз билан танишиб қолдим. Бу фирмага мен ҳар кuni иш юзасидан келиб кетар эдим. О. ҳам бу фирмага иш билан келиб кетарди.

Борган сари муносабатимиз жиддийлашди. Мен бир кuni О.га ҳаётимда бўлган воқеани гапириб бердим. Кейин билсам О. мендан икки ёш катта экан, О. менга: "Турмушга чиқмаган қизман, Лекин олсангиз мен сизга тегаман", - деб очик

ки ҳар иккаласини ҳам мен ўзим ёқтириб олганман. Эшитган қулоқ нима дейди, деб шу кунгача тишимни-тишимга қўйиб келдим. Хуллас орадан бир йил ўтиб киз фарзандлик бўлди. Ўтган йилларга қўзимни омиб фақат қизимни тарбиясига киришдим. Бир кuni О. менга: "Тошкентга бориб иш қилмайсизми, ўртоқларингиз кўп-ку фирмаларда, ҳар ҳолда пул топасиз. Мен эса Самарқандга бориб тураман", - деб қолди. Мен ҳам бу гапга "Ҳа, майли", - дебман. Сўнг мен О. билан қизимни олиб Самарқандга — онасининг уйига бордим ва уларни қўйиб, Тошкентга қайтдим. Орадан 15-20 кун ўтгандан сўнг 50-60 минг сўмча пул ишлаб майда-чуда олдим-да, Самарқандга бордим. Қизимни кўрдим О.га пулни бердим. Мен яна Тошкентга қайтдим. Яна ишга киришиб кетдим. Орадан бир ойлар ўтгач ишлаган пулла-

БАХТ МЕНИ ЧЕТЛАБ ЎТДИ...



бўлиб келди", - деб унга бирон мартаба қаттиқ гапиришмаганди. Дадам ҳам, онам ҳам жуда мўмин-қобил инсонлар, одамни тушунишди. Сўнг хотинимнинг онаси ҳам бизникига тез-тез келаётган бўлиб қолди. Ҳар келганида арзимган нарсага жанжал чиқарар, бақир-чақир қилишар эди. Яна бир кuni қайнонам, қайнонам келишим уйда ўзларича жанжал қилишди. Мен: "Кўйинглар, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарманглар, ахир бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади", - десам, "Ҳали сен бизга ақл ўргатадиган бўлдингми", - деб жанжални баттар авж олдиришди. Хуллас шу кунги жанжал оқибатида хотинимнинг жавобини бердим. Ота-онасининг айтиши бўйича уларнинг айна кўнглидаги иш бўлганмиш. Ахир ўртадаги болаларда нима айбди? Уларга тирик етим деган тамга сибилди-ку. Орадан бир йил ўтди. Хотиним билан муносабатимиз ажралишгача борди. Сўд бўлиб алимент белгилашди. Мен алиментни ўз вақтида тўлаб келаялман. Шу орада хотиним ва унинг яқинлари уйдан юкларини олиб кетишди. Ҳар не бўлганда ҳам мен уйланган йигитман. "Умрингни ўтказма, уйлан", - деганлар жуда кўп бўлди. Ошна-оғайниларим

айтди. Мен шунда: "Йўқ, сизни менга уйингиздагилар бермайди, мен уйланган йигитман", - деб айтдим. О. эса менинг ўз бахтим ўз қўлимда, ҳамма нарсани ўзим ҳал қиламан", - деди. Хуллас О. билан тез-тез учрашиб турдик. Орадан олти ой ўтгач мен Андижонга бордим ва келин аямга бор гапни айтдим. Чунки дадам ва онам билан бундай очик гаплашолмасдик. Келин аям эса онамга айтибдилар. Биз тўрт-беш киши бўлиб совчиликка Самарқандга йўл олдик. Самарқандга ҳам келдик. Бизни яхши кутиб олишди. Мен бошқа уйга, аёллар бошқа уйга кириб ўтирдик. Мен ўтирган уйга О.дан бошқа ҳеч ким кирмасди. О. билан шу кuni ўзимизда йўқ жуда хурсанд эдик. Хуллас тўй кuni ҳам белгиланди. Тўй Самарқандда, сўнг Андижонда бўлди. Тўйимиз жуда яхши ўтди. Камчилик бўлмади. Тўйдан сўнг О. ўзини кўрагачой тополмасди. Ниманидир сезардим, лекин унга билдирмас эдим. Гапнинг қисқаси маълум бўлдики, О. ҳам номусини йўқотган қиз экан. Ана шунда пешонам нақадар шўрлигини билдим. Ҳамма ёқ кўзимга қоронғу қоринди. Мен олдинги хотинимнинг ҳам, бунисининг ҳам қиз чиқмаганини ҳеч кимга айтолмас эдим. Чун-

римни йиғиб яна О. билан қизимни олди-да бордим. Ҳар гал хотиним яхши кутиб оларди. Лекин негадир мени тезроқ кетказиш пайида бўлар эди. Мен буни сезардим. Бир кuni унга "О. сиз нега мени тезроқ кетказиш пайида бўласиз", - десам: "Йўқ, сизга шундай туолгандир, сизни яхши кўраман", - деб айтди. Лекин ичимда қандайдир қоронғулик бор эди. Кунларнинг бирида мен Бухорога иш билан кетдим. Бухорода ишим тугагунча 45 кун қолишга тўғри келди. Шу ерда меҳмонхонада ётиб юриб ишларимни яқинига етказдим. Яна Самарқандга келдим. Қизим тушларимга кириб кечалари уйғониб кетар эдим. Кела солиб қизимни қўлимга олиб, эркалатиб, у билан узоқ уйнар эдим. Азиз юртдошларим, инсоннинг пешонаси очилмаса қийин экан. Не кўз билан кўрайки О. ўз шаҳрида бир Р. деган йигит билан анчадан буён дон олишиб юрар экан. Бу гапларга гувоҳ бўларканман ниҳоятда эзилди кетдим. Ҳамон ўйлаб ўйимга етолмайман. Дилдан куйиниб кетаман. Нахотки менинг пешонам шунчалар шўр бўлса, қани ўша ҳақиқий муҳаббат деганлари...

Мана ёшим ҳам ўтиб бораёпти. Аллақонлар рўзгоримдан тиниб-тинчиб, элга тўй бериб хотиржам ҳаёт кечириб кетар экан-ку ахир, деб руҳан изтироб чекаман. Лекин биринчи хотинимнинг, ундан сўнг эса О.нинг боқира эмаслигини шу кунгача ҳеч бир зот билмайди. Фақат шу бугун дардимни сизларга тўкиб сочгим келди. Мен ҳозирда Тошкент шифохоналаридан бирида соғлигим сал ёмонлашиб қолганлиги сабабли даволанаяпман. Кўп сиқилдим шекилли, асабларим ишдан чиққан. Энди ҳаётимни нимага, кимга боғлашга ҳам бошим қотган. Оналари туфайли мендан узоқлашган фарзандларимни эсласам юрагим баттар оғрийдди. Лекин уларнинг оналарини эслашни ҳам истамайман. Ахир вафоси йўқ хотин кимга керак? Балки дил эҳзоримни ўқиганлардан баъзилари биринчиси билан ярашинг, деб маслаҳат ҳам беришар... Ота-онам, ака-укаларимнинг ҳурматини қилмайдиган одам мени ҳурмат қилармиди. Хуллас бахт мендан юз ўтирган.

Мана бошимдан ўтганларни яширмай баён этдим. Бу ҳақдаги фикрларингизни, йўл-йўриқларингизни билишни жуда-жуда истаётман. Балки сизларнинг даллада, нахисталарингиз туфайли бир кун келиб бахт менга ҳам насиб этар. Ёлғиз ана шундай умидга ишониб яшаб юрибман.

БАХТИЁР

Ҳар кuni ишдан қайтаётганимда маҳалламизга яқин шинамгина дўконга кириб ўтаман. Бугун ҳам кириб иккита нон олаётим, очик турган сигаретга қўзим тушди. Ёшлигимда чекканим учунми, ё ишдан сикилиб келаётганим учунми, нимагадир чекким келди. Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас экан. Икки дона сигаретани олдим, 25 сўм пулим қулогини ушлаб кетди. Бирини чўнтагимга солиб, бирини шу ерда турган гургут билан ёқиб тутатдим. Ҳаёлим паршонлигидан ёқилган гургут донасини ўчириб ерга ташладим. "Ака гургутни

ҒУРУР САБАБ...

ерга ташламанг", - деди сотувчи йигит. Нотўғри иш қилганим миямга урилиб, ердан гургут донасини олиб шиммининг чўнтагига жаҳл билан тикиб қўйдим. Сотувчига "Кўнглинг жойига тушди-ми?" дегандай қовоқларим ўз-ўзидан осилиб, бор ўкрайиб қараб ҳам қўйдим. "Башаранг курсин", - дедим ичимда. Шу топда сотувчининг бинойидек юзи, менинг назаримда башарага айланган қолди. Холбуки у тўри гапир-

ганди. Тўри гап тукканингга ёқмас", деганлари шу бўлса керак-да. Очиги, айб мендан ўтган бўлса ҳам "кечирасан" дейишга беради. Пулини тўлаб, индамай оркамга буриламан. Уч кун олдин фалати аҳволга тушиб қолдим. Сотувчининг башарисига қарамай ниманидир сўраб, пул узатсам, "яхшимиз сиз ака", - деб қўл узатди. Узатган пулимни стод устига қўйиб беҳуш бўлиб қўришдим. Кўзига-қўзим тушди. Унинг қўзлари: "Сизни хафа қилдимми ака, нимага юзимга қараб гапирмайсиз, хизматчиликда, ўша кuni жаҳл билан

гургут донасини ердан олиб чўнтагингизга солиб қўйдингиз. Мен хижолат бўлдим. Шу гапни айтмасам бўларкан", - дегандай ёниб турарди. Чехрам очилиб кетди. "Айб ўзимда, сен тўғри иш қилдинг", - деган гап кўнглимдан кечди-ю, уни тилимга чиқара олмадим. Яна ўша гургут йўл қўймади. Ғурур сабаб тағин мен ютқаздим. Ҳаёт сўқмоғида яна бир бор тўтиқшим. Арзиманган бир дона гургут чўпидан ҳам одам ўзига хулоса чиқариб олиши кераклигини тушуниб турибман-у...

Тоҳир НОРИМОВ



**ТАШРИФНИНГ
МУБОРАК БЎЛСИН**

Хилола Абдужабборовва — талаба. Хилола ўн йил, яъни истиқлолга тенгдош ҳолда қалам тебратди. Яқинда унинг шеърларини тўплам ҳолатида қайта ўқиб чиқдим. Унинг сатрлари Ватанга содиқ қалбнинг овози эканидан хурсанд бўлдим. Юртга мухаббатдан ортиқ туйғу йўқдир. Мен Хилолага ижод оламига саодатли ташрифнинг муборак бўлсин дейман.

Зулфия МҮМИНОВА

БАХТИДАН АЙИТЛАРИМ

Бахтга тўйган эмас инсонлар зоти, Бешиқлар ёнида Ясавий ёди. Йўлда қоқилмасин ўзбекнинг оти, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Алпим омон бўлинг, дил бедоғ бўлинг, Толиқиб суянасак баланд тоғ бўлинг, Орзу тоғларида ўсган боғ бўлинг, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Номинг ёйилмоқда сарҳадма-сарҳад, Тилагингни тила, айтарингни айт, Бугун дил кушларинг бахтга кўнар пайт, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Бахт кўрдим бир бахтни камёбни кўрдим, Елкаларга теккан офтобни кўрдим, Момолар етмаган савобни кўрдим, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Энтикиб қарадим гуллар кулдилар, Соқларимни силаб еллар кулдилар, Саодат кўқарган диллар кулдилар, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Бу кунлар шодликдан дурланган куним, Сехрланган куним, сирланган куним, Сиғинажак куним, нурланган куним, Юраги тозанинг тилаги шудир, Орзунинг энг нурли йўлаги шудир. Кўз тегмасин дея шивирлаб боқдим, Юртимнинг ҳазонсиз адирларига. Кўзмунчоқ тикилган, тумор тикилган, Хилоланинг ёзган сатрларига.

Хилола АБДУЖАББОРОВА

СИЗ СЕЗМАДИНГИЗ

Умиднинг кўзи юмуқ чалажон, Соч оплоқ соғинчларнинг бағри қон. Оҳ! Бардошлар мени қилди имтиҳон, Фақат... фақат... сиз сезмадингиз. Кўёш менинг юрагимдан андоза, Хижрон севгимизга ўқир жаноза. Сирлар бўлди дунёларга овоза, Фақат...фақат... сиз сезмадингиз. Йўлим пойлар юзи қора гуноҳлар, Изларимда мен суймаган нигоҳлар. Оллоҳимга етди дилдаги оҳлар, Биргина сиз...сиз... сезмадингиз.

Нигора ФАЙЗИЕВА

Бухоро шаҳри

ОИЛАМ

Оилам - ҳаётим мазмуни, Сен учун яшайман, еламан. Қайларда бўлмайин бир кун, Яна мен қошинга келаман. Ортада қолиб кетар дўстлар ҳам, Хушомадла боққан кўзлар ҳам. Олқиш, мақтов ва баландпарвоз, Шаънимга айтилган сўзлар ҳам. Шон-шухрат, мансаблар қолади, Ҳасадлар, бўҳтонлар ўлади. Бариси ўткинчи, ёлғиз у — Мен билан умрбод қолади. Оилам - имоним кўрғони, Сен билан тотлидир еганим. Ўзингсан обрўйим қалқони, Сен бутсан - қалбим бут деганим. **Химоят НАЗАРОВА, олий тоифали ўқитувчи**



ЁР-ЁР

Тўйинг бўлди дугонажон айтишайин ёр-ёр, Мен нетайин тил айланар айтолмайин зор-зор. Бахтинг бу кун боғланади бир йигитга ёр-ёр, Ул йигитдир мен суйган ёр кўнгил йиғлар зор-зор. Тўйга айтдинг дугонажон боргин дея ёр-ёр, Мен нетайин севгим йиғлар борма дея зор-зор. Сен борарсан ёринг билан қадам ташлаб ёр-ёр, Ортгинангдан қараб қолдим кўзим ёшлаб зор-зор. Оллоҳ бу кун тўзим берсин, сабр берсин ёр-ёр, Ўзи берди бу ишқ дардин ўз олсин зор-зор. Тўйинг бўлди дугонажон айтишайин ёр-ёр, Мен нетайин тил айланар айтолмайин зор-зор.

Гулнора МҮМИНОВА

**СИҶИНАМАЯ СЕНГА
МУҲАББАТ**

Кўёшимсан ўтли, ишқи жон, Гулхан ёнар вужудим аро. Эҳтирослар қалбимда султон, Сехрларга тўла бу дунё. Ниғоҳимга қайноқ бир ниғоҳ, Қадалган ўт, бу не сирқараш. Мулки дилга бўлди битта шох, Муҳаббат деб аталган оташ. Хижрон дарди, дил оғригимга, Малҳами жон, ўтли дилбар соз. Тошқин ёғду сингди бағримга, Вафо куйи азиз ва мумтоз. Севги рози менга қанот бер, Кўшмигингни куйлай юракдан. Бардошларим эрисин нур бер, Дийдаларим порласин бахтдан. Ёлвораман оташ муҳаббат, Тарк этмагил бу куюқ дилим. Дардларим оч, эй моҳи талъат, Соқларимдек соқилсин сирим. Сиғинаман сенга муҳаббат, Мехр бердинг қалбимга буюқ. Мурод бердинг, илҳом ва шавкат, Сен тангримсан, ҳар недан суяқ. **Шарбат МУХТОРОВА**



СИЗЛАРГА САВОЛ

Сизларга бир савол бераман, қаранг! Муҳаббат жилоси айтинг қандай ранг. Қизилми, сариқми, кўкми, яшилроқ, Балки қора дерсиз ё бўлмаса оқ?.. Тилсимот қасрининг асри муҳаббат, Аммо қора рангдан холидир фақат. Муҳаббат минг бир хил рангда товланар, Шунинг-чун баъзида кўнгил овланар. Муҳаббат - исмсиз рангларнинг оти, Бу ҳам бир севгили қалб тафсилоти.

Исмаи ЖҲРАЕВ

**ДУОГА ҚЎЛ ОЧИНА,
АЗИЗ ОНАЖОН**

“Ўғлим” деб умид-ла бешиқ тебратган, Остона пойида кутиб ўтирган. Ёмондан йироқ бўл, дея уқтирган, Дуога қўл очинг, азиз Онажон! Ўғлингиз эр бўлиб элга қўшилди, Бўйларни мўл бўлиб кўкка чўзилди. Бир боши кўшилиб аҳди ушалди, Дуога қўл очинг, азиз Онажон! Шайтонлар йўлига юрма, болам денг, Фанимлар йўлига кирма, болам денг. Бошингни номардга эгма, болам денг, Дуога қўл очинг, азиз Онажон! Элингга муносиб ўғлон бўлгин денг, Истиқлол кўксига қалқон бўлгин денг. Юртбоши ёшига ҳамроҳ бўлгин денг, Дуога қўл очинг, азиз Онажон!

Жаҳонгир БЕШОВ



БИР КУЛГИН...

Бир кулгин, лабларинг гунча, кул, Дил парвоз айласин фалакка. Қаршимда сен турсанг мисли гул, Қайрилмайман бирон-бир малакка. Бир кулгин, юзлари гулгуним, Кулгиндан бошларим айлансин. Сахродай қакроқдир бу дилим, Кул, унга бир гулзор жойлансин. Бир кулгин, кўзлари нарғизим, Сочингни киприк-ла тарайин. Порласин менинг ҳам юлдузим, Мен унга суқланиб қарайин. Бир кулгин... лек ҳануз кулмайсан, Ўзимнинг бағримни тиглайман. Сен мени билмайсан, билмайсан, Мен сени кул дея, йиғлайман. Бир кулгин...

Абдухалил САТТОРОВ,
Жиззах туманидаги
52-мактаб ўқитувчиси

ҚАЙТАМ, ЁР...

Бир бор ҳам кўрмаган ул бевафо ёр, Хаёли тинч кўймас на кундуз, на тун. Айрилик даштида бўлиб интизор, Хижронга бўй бермай куттайсан маҳзун. Қалбингни бурдалаб ямлайди соғинч, Бахтли ошиқларга термуласан жим. Тушларингда сени аврайди илинж, Ўғирлаб кетади тонгда уни ким?! Танҳолик истайди интиққан вужуд, Мажнунтол пойига чўқасан бесўз. Ёлғизсан, бу зулмат дунё бехудуд, Кулган толеингни кутасан хануз... Ишқнинг саҳросида бўлиб гадолар, Оллоҳга муножат қиласан ҳамон... Самодан солланиб қайтар садолар, Кўнгил, ёр, бораёпман сенга, сен томон!

Феруза ТОҒАЕВА

Энди сен ўйлаган қиз эмасман мен, Ўзингга буюрсин лутфу қараминг. Мен сендан узоқман, фақат баъзида, Дилимни забт этар ўтли хаёлинг. Бахтли, тахтли бўл сен, қувончларга тўл, Мен армон юртининг бандаси энди. Дилга сизмагани шеърларимдадир, Мен сени соғиниб яшайман энди.

Раъно РАББИМОВА

Самарқанд вилояти,
Оқдарё тумани

ЎғЛИМ ЭҶҒАРУЛМОҶА

Осмонимдан яралган бир осмонимсан, Ҳаққа бориб етдимикан ўтли оҳим. Ғамгин-ғамгин дунёларни хайдадим мен, Тушларимни ёрит энди эрка шохим. Кўзларингда муҳаббатим суврати бор, Ўтли-ўтли армонларда сени топдим. Овозингни эшитганда бахтдан тўлиб, Қайгуларга эшигимни кулиб ёлдим.

Олис гўзал орзулардан эртақ айтдим, Томиримда олов бўлиб окди қоним. Сен эртаман саҳарлардан кўп сураган, Хур Ватанда кулиб турган Зуфаржоним!

Муҳаббат АМАТАЕВА

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темуру кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 20.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси**

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 2926. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоиси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.